

«TASDIQLANGAN»
«O‘ZBEKISTON POCHTASI»
Aksiyadorlik jamiyati
aksiyadorlarining
2023 yil 27 iyundagi
umumiy yig‘ilishining qarori bilan



«O‘ZBEKISTON POCHTASI»

Aksiyadorlik jamiyatining

U S T A V I

(yangi tahriri)

Toshkent – 2023

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Устав «O‘ZBEKISTON POCHTASI» Aksiyadorlik jamiyatining (матнда «Жамият») таъсис ҳужжати саналиб, унинг тузилиши, фаолият юритиши ва тугатилиши билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

2. Жамият Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг миллий операторидир.

3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг “Почта алоқаси тўғрисида”ги Қонун, Почта қоидалари ва мазкур Устав, Бутунжаҳон почта уюшмаси Конвенцияси, Ижро регламенти ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек БПУ ҳузуридаги EMS кооперативи (Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган мажбуриятлар қисмидаги) ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

4. Жамият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги “Почта алоқаси соҳасида фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида”ги 339 - сонли Қарор асосида “Ўзбекистон почтаси” Давлат – акциядорлик компаниясини очик акциядорлик жамиятига айлантириш ва унинг таркибига кирадиган акциядорлик жамиятларини бирлаштириш йўли билан ташкил қилинган.

5. Жамият “Ўзбекистон почтаси” Давлат – акциядорлик компанияси ва унинг таркибига кирган акциядорлик жамиятларининг тузилган шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис бўлиб ҳисобланади .

6. Жамиятнинг номланиши:

	<i>тулиқ</i>	<i>қисқартирилган</i>
<i>Ўзбек тилида</i>	«O‘ZBEKISTON POCHTASI» Aksiyadorlik jamiyati	«O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ
<i>Инглиз тилида</i>	«O‘ZBEKISTON POCHTASI» Joint-Stock Company	«O‘ZBEKISTON POCHTASI» JSC
<i>Рус тилида</i>	Акционерное общество «O‘ZBEKISTON POCHTASI»	АО «O‘ZBEKISTON POCHTASI»

7. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Олой кўчаси, 1-уй

8. Жамиятнинг электрон почта манзили: - info@pochta.uz

9. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондида (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

10. Жамият давлат тилидаги ўзининг тулиқ фирма номи ва жойлашган манзилени кўрсатувчи юмалок муҳрга эга. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

11. Жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқаридаги банкларда миллий ва хорижий валюталардаги ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

12. Жамият акциядорлик жамият шаклидаги шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари ёки масъулияти чекланган жамиятларга эга бўлиши мумкин, филиаллар ва

бошқа мустақил бўлинмалар ташкил қилиши (шу жумладан мустақил ҳисоб рақамига эга бўлганлар), ваколатхоналар очиши мумкин.

13. Жамият фаолияти муддати чекланмаган.

14. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

15. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

16. Агар жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига жамият уставида бу ҳуқуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

17. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

18. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

19. Жамият аҳоли, ташкилотлар ва давлат эҳтиёжларини сифатли ва ишончли почта алоқаси билан таъминлаш мақсадида тузилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг миллий оператори ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Жамиятнинг асосий мақсади куйидагилар ҳисобланади:

аҳоли, ташкилот ва давлат эҳтиёжларини сифатли ва ишончли почта алоқаси билан таъминлаш;

воситалар ҳамда тармоқларни замонавийлаштириш ва техник қайта таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, почта алоқаси соҳасидаги жаҳон ютуқларини тизимга жорий этиш;

бозор ислохотларини янада ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси почта алоқасини жаҳон почта алоқаси тармоғига интеграциялашувини таъминлаш;

почта алоқаси хизматларининг мониторингини ўтказиш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, почта алоқаси тармоқ ва технологиясини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун сармояларни, жумладан чет эл сармояларини жалб этиш;

почта алоқаси тармоғини барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг таркибий бўлинмаларини бошқариш.

20. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари:

почта алоқаси хизматлари бозоридаги талабни кондириш, республиканинг бутун ҳудудидаги барча фойдаланувчилар учун ягона қоидалар ва талаблар асосида мажбурий тартибда почта алоқаси универсал хизматлари кўрсатиш;

почта алоқаси соҳасида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, уни хўжалик юритишнинг бозор шароитларига ўтказиш, кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш;

почта алоқаси хизматлари ва қўшимча хизматлар кўрсатиш учун почта алоқаси тармоқлари ва воситаларини эркинлаштириш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш, уларни фойдаланувчиларга яқинлаштириш;

почта жўнатмаларини, почта орқали пул маблағлари жўнатмаларини халқаро айирбошлашни ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Умумжаҳон почта иттифоқининг ҳужжатларидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажариш;

почта алоқаси тармоқларида ёзишмаларнинг махфийлигини ва почта хавфсизлигини таъминлаш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда паст нархлардаги хизматларнинг янги турларини жорий этиш йўли билан почта хизматлари бозоридаги рақобатбардошлиликни ошириш;

почта алоқаси сифати ва ишончлилигини ошириш учун ахборот технологияларини қўлланиш;

почта алоқаси соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг юқори даражасини таъминлаш.

21. Жамият фаолиятининг асосий турлари:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида почта алоқаси хизматлари кўрсатиши бўйича фаолиятлар:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ҳудудидан ташқарида почта алоқасининг миллий оператори сифатида умумий фойдаланишдаги почта алоқасини ташкил этиш ва амалга ошириш;

почта алоқаси соҳасида универсал хизматлар кўрсатиш;

почта алоқаси тармоғини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;

Тошкент шаҳри ва вилоятлар миқёсида, шаҳар ва туман йўналишларида алмашув частоталарининг нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

магистрал йўналишларда, жумладан халқаро йўналишларда барча турдаги почта жўнатмаларининг йўналиш режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Республика ҳудудида почта жўнатмалари ўтишининг назорат муддатларини ишлаб чиқиш;

почта алоқаси универсал хизматларига тарифларни, почта алоқаси масалалари бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига киритиш;

келувчи ва жўнатиловчи халқаро почта жўнатмаларининг ҳолатини мунтазам таҳлил қилиш;

почта алоқаси филиаллари ва объектларининг эксплуатациясига оид фаолиятини, пул маблағларининг ҳаракатини назорат қилиш;

ички ва халқаро почта жўнатмаларини авиация, темирйўл ва автомобил транспортларида ташишни ташкил этиш;

почта жўнатмалари ва пул маблағларининг бутлигини таъминлаш ҳамда ҳисобга олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

жўнатиловчи, келувчи ва транзит халқаро почта жўнатмаларининг божхона текширувидан ўтказишни таъминлаш;

почта тўловининг давлат белгиларига (почта маркалари, маркаланган почта конвертлари, откриткалари ва маркаланган почта варақчалари) Ўзбекистон Республикаси махсус почта тамғаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш, уларни чиқаришнинг тематик режаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

почта тўлови давлат белгилари андозаларини ишлаб чиқиш, Бадиий Кенгаш билан келишилгандан кейин уларни босиб чиқариш учун тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси почта тўлови давлат белгиларини, махсус почта штампларини тайёрлаш учун буюртмаларни шакллантириш ва жойлаштириш, уларни етказиб бериш;

почта тўлови давлат белгиларининг босма асл нусхаларини тасдиқланган андозага мувофиқлигини назорат қилиш ва экспертиза қилиш, кейинчалик белгиланган тартибда босма асл нусхаларини сақлаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида почта тўлови давлат белгиларининг, филателия (маркаланган ва маркаланмаган) маҳсулотларни почта алоқаси объектлари, фирма савдо нукталари, бошқа савдо ташкилотлари ва жамоат тарқатувчилари орқали сотиш;

Маркаланган ва маркаланмаган маҳсулотни (почта конвертларини, почта варақчаларини, табрик сувенирларини) тайёрлаш режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, уларни тайёрлаш учун буюртмаларни жойлаштириш, уларнинг экспедицияси;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ҳудудидан ташқарисида маркаланган ва маркаланмаган ҳамда филателия маҳсулотларини (почта алоқаси объектларида уларни сотувдан олингандан кейин махсус чиқарилган почта маркалари, почта тўловининг ҳисобдан чиқарилган белгилари, кляссерлар, каталоглар ва бошқалар) сотувини ташкил қилиш;

филателия кўргазмалари ва ярмаркаларини ташкил қилиш ва ўтказиш;

почта тўлови белгилари учун филателия абонементини ташкил қилиш, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш;

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кундан бошлаб чиқарилган ҳар бир почта маркаси бўйича почта тўлови белгиларининг архив захирасини тузиш;

Ўзбекистон Республикаси почта маркалари каталогларига бўлган талабни аниқлаш, уларни чиқариш, кўпайтириш, етказиб бериш ва сотиш;

почта тўлови давлат белгиси ва филателия маҳсулотларига нархларнинг нархномаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

франкирлаш машиналарини ишлаб чиқариш учун буюртмани шакллантириш ва жойлаштириш;

почта тўлови давлат белгилари ва филателия маҳсулотларини асллигини аниқлаш мақсадида уларни экспертизадан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасида почта алоқаси хизматларининг маркетингини ташкил қилиш;

почта алоқаси бўлимлари, махсус киоскалар орқали Республика ва хорижий давлатларнинг даврий ҳамда нодаврий нашрларининг обуна ва чакана савдосини ташкил қилиш, обуна нархларини белгилаш, Республика ва хорижий нашрлар обуна каталогларини чиқариш;

газета, журнал ва китобларнинг экспорти;

давлат пенсиялари ва нафақаларини етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатиш;

пенсия ва нафақаларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш бўйича почта алоқаси филиаллари ва объектларининг ишларини ташкил этиш;

почта варақчаларини (оддий, буюртмали ва қиймати эълон қилинган), хатларни (оддий, буюртмали ва қиймати эълон қилинган), суд чакирув қоғозларини (оддий, буюртмали) қабул қилиш, ишлов бериш, ташиш ва етказиб бериш;

бандеролларни (оддий, буюртмали ва қиймати эълон қилинган) қабул қилиш, ишлов бериш, ташиш ва етказиб бериш;

посилкаларни (оддий, қиймати эълон қилинган) қабул қилиш, ишлов бериш, ташиш ва етказиб бериш;

телеграммаларни қабул қилиш, узатиш ва етказиб бериш;

аҳолидан барча турдаги тўловларни қабул қилиш ва бу суммаларни тегишли юридик шахсларнинг ҳисоб рақамига ўтказиш;

курьерлик хизматини кўрсатиш - хатлар, бандероллар, посилкалар, ўтказмалар, ҳисоб варағи - квитанциялар, журналларга адабий иловаларни жойларда қабул қилиш ва манзил бўйича етказиб бериш, даврий нашрларга обуна қабул қилиш ва чакана савдо орқали тарқатиш, барча турдаги тўловларни ва бошқа хизматларни қабул қилиш;

почта жўнатмалари ва телеграммаларни топшириш тўғрисида хабарномаларни жўнатиш;

почта ва телеграф жўнатмаларини қидириш, почта ва телеграф жўнатмалари олувчисининг манзили тўғрисида маълумотларни манзил бюросида йиғиш;

бандероллар ва посилкаларни сақлаш, ўраш ва қайта ўраш, узок муддатли ишончномаларни сақлаш;

фойдаланувчиларнинг қутиларидан фойдаланиш;

почта алоқаси соҳасида кадрларни тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш;

Жамиятнинг филиаллари ва почта алоқаси объектларида мавжуд бўлиши керак бўлган номли буюмларнинг рўйхатини белгилаш;

номли буюмларни ишлаб чиқариш учун буюртмаларни шакллантириш ва жойлаштириш;

откреткалар, бланкалар, таклифномалар, таклиф варақчалари (визитка) тайёрлаш, филиаллар ва почта алоқаси объектларини улар билан таъминлаш;

Республикада олиб борилаётган сиёсатга зид бўлмаган турли хил китоблар, брошюралар, канцелярия маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиш;

шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари бўйича хизматлар кўрсатиш ҳамда тўловларини қабул қилиш;

телефон, телеграф, телефакс ва телекс алоқаси хизматлари кўрсатиш;

замонавий почта ускуналарини, почта жўнатмаларини қабул қилиш, сақлаш, саралаш ва элтиб беришнинг етакчи технологияларини тадбиқ этиш, почта алоқаси ташкилотларида маҳаллий ва хорижий тажрибани оммавийлаштириш;

почта алоқаси объектларида почта жўнатмаларини ўтиш муддатларини назорат қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

почта алоқасини ташкил этиш соҳасида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, аҳоли, ташкилотлар ва давлат эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, почта алоқаси хизматларининг бозор конъюнктурасини ўрганиш, почта алоқасининг сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш;

почта алоқаси соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурларини амалга ошириш бўйича ишларда иштирок этиш, почта алоқасини такомиллаштириш бўйича илмий-техник тараққиёт ютуқларини ва жаҳон тажрибасини тармокка тадбиқ этиш бўйича таклифларни тайёрлаш;

замонавий лойиҳалар бўйича почта алоқаси объектларини лойиҳалаштириш, қуриш ва қайта қуришда илмий-техник сиёсатни белгилаш ва олиб бориш;

почта алоқаси муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича ишларни амалга ошириш;

манфаатдор вазирликлар ва муассасалар билан биргаликда почта алоқаси соҳасида хизматларни кўрсатиш қоидаларини келгусида белгиланган тартибда тасдиқлаш ва рўйхатга олиш учун ишлаб чиқиш;

расмий қабуллар, республика ва халқаро аҳамиятдаги турли тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишда ёрдам кўрсатиш, почта алоқаси ходимларини амалий ўқитиш ва тажриба орттириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

мулкчилик шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъий назар барча корхоналарда почта алоқасини ташкил этиш ва амалга ошириш масалаларида услубий ёрдам кўрсатиш;

почта ва телекоммуникация соҳасида янги молия-тижорат тузилмасини тузишда иштирок этиш;

коммунал тўловларни қабул қилиш;

почта алоқаси соҳасида реклама-нашриёт фаолиятини амалга ошириш, почта алоқаси корхоналарига ва ташкилотларига реклама маҳсулотларини чиқаришда қўмаклашиш;

тематик конференциялар, семинарлар, кенгашларни ўтказиш, ихтисослаштирилган кўргазмалар, почта алоқаси воситаларининг кўргазма савдосини ташкил этишда иштирок этиш.

Хорижий давлатлар билан почта алоқаси соҳасидаги фаолиятлар:

хорижий мамлакатлар почта маъмуриятлари ва операторлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни таъминлаш мақсадларида келувчи, жўнатиловчи ва транзит халқаро почта жўнатмаларини қайд этишни амалга ошириш;

халқаро почта алоқаси бўйича кўрсатилган хизматлар учун хорижий мамлакатлар почта маъмуриятлари ва операторлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

хорижий мамлакатлар почта маъмуриятлари ва операторлари билан Жамиятнинг ўзаро ҳисоб-китоблари учун келувчи посилкаларга тарифларнинг ҳисоб-китоб улушини белгилаш;

хорижий мамлакатлар почта маъмуриятлари ва операторлари билан қабул қилинган ва тўланган пул ўтказмалари учун ўзаро ҳисоб-китобларни юритиш;

хорижий мамлакатлар почта маъмуриятлари ва операторлари билан шартнома шартлари бажарилишини назорат қилиш;

Бутунжаҳон почта конвенцияси ва унинг ижроия Регламенти, Почта посилкалари тўғрисидаги келишув, давлатлараро келишувларда назарда тутилган мажбуриятларга мувофиқ халқаро почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш, қайта жўнатиш ва топширишни таъминлаш;

халқаро почта жўнатмаларини қабул қилишда, қайта жўнатишда ва элтиб беришда божхона қонун ҳужжатларига риоя қилиш бўйича чора-тадбирларни таъминлаш;

бошқа мамлакатлар почта маъмуриятлари билан почта маркаларини биргаликда чиқаришни ташкил этиш;

почта алоқаси соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

Тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятлар:

инновацияга оид фаолият, янги технологиялар ва материаллар, патентлар, лицензиялар, технологиялар, «ноу-хау» яратиш, ишлаб чиқиш, сотиб олиш, тадбиқ этиш;

матбуот киоскаларини олиб сотиш, ижарага бериш;

турли хил қурилиш материаллари, хом-ашёларини сотиш;

бююртмаларга асосан ташкилот, корхона ва муассасаларга турли хилдаги бинолар куриб бериш, ижарага бериш ҳамда сотиш;

автомашиналар учун ёкилги куйиш шахобчаларини очиш, ижарага бериш, сотиш;

Жамиятга тегишли булган транспорт воситаларини ижарага бериш, хизмат курсатиш, сотиш;

почта алоқаси объектларини ривожлантириш ва жойлаштириш схемасини ишлаб чиқиш;

қимматли қоғозлар чиқариш, сотиш ва сақлаш, улар билан бошқа операцияларни утказиш;

ускуна ва мол-мулк лизинги, прокат ёки ижарага берилиши;

сармоядорлик фаолияти, шу жумладан турли хўжалик жамиятлари, компаниялар ва кўшма корхоналарда иштирок этиш;

қонун ва бошқа меъерий хужжатлар билан рухсат этилган тижорат ва воситачилик фаолиятни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисоб рақамларидаги буш пул маблағларни кўшимча даромад олиш мақсадида депозитларга кўйиш;

хусусий ва ташқи савдо тармоғи орқали нақд пулга ва пул утказиш ҳисоб-китоби буйича тамаки маҳсулотлари, вино-ароқ маҳсулотлари ҳамда бошқа халқ истеъмоли маҳсулотларини улгуржи, майда улгуржи, чакана савдо орқали сотиш;

савдо-воситачилик фаолиятини ташкил этиш, маркетинг ва реклама хизматлари курсатиш;

ноширлик фаолияти;

полиграфия фаолияти;

глобал, локал ва ички компьютер тармоқлари коммуникация ҳамда алоқа воситалари, шу жумладан интернет соҳасида провайдерлик ва операторлик фаолияти;

радио, телефон, телевизор, компьютерларни таъмирлаш устахоналарини очиш ҳамда уларни таъмирлаш;

юридик ва жисмоний, шу жумладан хорижий шахсларга транспорт, кемада юк ташиш, экспедиция, омборхона хизматларини курсатиш;

риэлторлик фаолияти, кўчмас мулк объектлари, ускуналар ва мулкни сотиб олиш, эксплуатация қилиш, ижарага бериш ва сотиш;

жисмоний ва юридик шахсларга молиявий ёрдам курсатиш, заёмлар, ссудалар тақдим этиш (шу жумладан беғараз ёрдам), ҳомийлик ва хайрия фаолияти;

автомобилларни таъмирлаш хизматини ташкил этиш ва амалга ошириш, автомобиллар, транспорт воситалари, кишлок хўжалиги ва бошқа техникаларни таъмирлаш ва техник хизмат курсатиш;

лотереялар таъсис этиш, чоп этиш, сотиш ҳамда лотерея ва курик-танловларни утказиш;

ташқи иқтисодий фаолият (экспорт, импорт, толлинг) билан шуғулланиш;

туризм фаолияти;

улгуржи ва чакана савдо;

автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шахарда, шахар атрофида, шахарлараро ва халқаро йўналишлар буйича ташиш;

божхона омборини таъсис этиш;

божсиз савдо дўконини таъсис этиш;

божхона режимида омборхона таъсис этиш - "эркин омборхона";

аудиовизуал асарларни, фонограммаларни ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни тақрорлаш, реализация қилиш, прокатга бериш;

корхоналарни ташкил қилиш, тижорат ташкилотларда ҳиссали иштирок этиш;
турли ташкилотлар фойдасига тўловларни қабул қилиш;
авиа – темир йўл чипталарини сотиш.

22. Жамият конунчилик билан тақиқланмаган, шу жумладан Уставда кўрсатилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир .

23. Махсус рухсат (лицензия) ни талаб қиладиган фаолиятнинг алоҳида турлари билан Жамият факат лицензияни олгандан сўнггина шугулланишга ҳақлидир.

3. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАҒИ МАХСУС ҚОИДАЛАР

24. Жамият Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг миллий оператори сифатида қуйидаги мутлақ ҳуқуқларга эга:

почта вагонлари ва почта қутиларига Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирини тушириш;

бошқа давлатларнинг почта алоқаси операторлари билан почта алоқаси соҳасидаги ўзаро ҳаракатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ўз ваколатлари доирасида ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

оддий хатлар ва почта варақчаларини жўнатиш, давлат пенсиялари ва нафақаларини етказиб бериш (топшириш) бўйича хизматлар кўрсатиш.

25. Жамият почта жўнатмалари ва пул маблағларининг бутлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва қабул қилади, ўз таркибий бўлинмаларининг хавфсиз ва узлуксиз ишлашини таъминлайди, почта жўнатмаларида таъқиқланган нарсалар ва буюмларни жўнатиш ҳолларини аниқлаш ҳамда олдини олишни таъминлайди.

26. Жамият унга ишониб топширилган почта жўнатмалари ва пул маблағларини сақлаш ва ишлов бериш учун фойдаланиладиган объект ҳамда хоналарни кўриқлашни таъминлаш мақсадида ўқотар қуролларни белгиланган тартибда олиш, сақлаш, улардан белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўқотар қуролларни олиб юриш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати ҳамда бу қуроллардан фойдаланиш тартиби Жамият томонидан ваколатли органлар билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган Низом асосида тартибга солинади.

27. Жамият давлат сирларини, сафарбарликка тайёргарликни, фуқаро мудофааси ва фуқароларни ҳимоя қилиш чораларини таъминлаш бўйича ташкилий, маъмурий ва техник-муҳандислик тадбирларини бажаради.

4. ЖАМИЯТНИНГ ТАРКИБИЙ БЎЛИНМАЛАРИ

28. Жамият таркибида ҳудудий ва ихтисослаштирилган филиаллар, почта алоқаси объектлари: туман почта алоқаси боғлама (тармоқ)лари, почта алоқаси бўлимлари ва бошқа таркибий бўлинмалари тузилади ҳамда фаолият кўрсатади.

29. Жамиятнинг ҳудудий филиаллари қуйидагилар ҳисобланади:

- (1) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ Қорақалпоғистон филиали (Нукус шаҳри);
- (2) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ Андижон филиали (Андижон шаҳри);
- (3) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ Бухоро филиали (Бухоро шаҳри);
- (4) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ Жиззах филиали (Жиззах шаҳри);
- (5) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ Қашқадарё филиали (Қарши шаҳри);
- (6) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ Навоий филиали (Навоий шаҳри);
- (7) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ Наманган филиали (Наманган шаҳри);
- (8) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ Самарканд филиали (Самарканд шаҳри);
- (9) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ Сирдарё филиали (Гулистон шаҳри);

- (10) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ Сурхондарё филиали (Термиз шаҳри);
- (11) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ Тошкент филиали (Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри);
- (12) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ Фарғона филиали (Фарғона шаҳри);
- (13) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ Хоразм филиали (Урганч шаҳри);
- (14) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ «TOSHKENT POCHTAMTI» филиали (Тошкент шаҳри).

30. Жамиятнинг ихтисослаштирилган филиаллари қуйидагилар ҳисобланади:

- (1) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ «XALQARO POCHTAMT» филиали (Тошкент шаҳри);
- (2) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ «XALQARO TEZKOR POCHTA» филиали (Тошкент шаҳри).
- (3) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ «O‘ZBEKISTON MARKASI» филиали (Тошкент шаҳри).
- (4) «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ «MATBUOT TARQATISH» филиали (Тошкент шаҳри).

31. Жамият ушбу Уставда белгиланган фаолият амалга оширилиши учун ҳудудий ҳамда ихтисослаштирилган филиалларга зарур мулкларни тақсимлаб беради ва филиаллар жойлашган ҳудуддаги фаолиятлари доирасини белгилаб беради.

32. Уларнинг жойлашиш ҳудудларидаги ҳудудий ва ихтисослаштирилган филиаллар Жамият функцияларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг функцияларини амалга оширади.

33. Ҳудудий ва ихтисослаштирилган филиаллар юридик шахс бўлиб ҳисобланмайди. Улар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида иш юритади. Филиаллар ўз Низомига мувофиқ улар фаолиятининг амалга оширилиши бўйича ҳисоботни олиб борадилар, шунингдек солиқ, йигим ва бошқа мажбурий тўловларни ўз жойлашувига кўра солиқ органларига тўлаб борадилар.

34. Жамият Бош директори Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда филиаллар директорларини лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

35. Филиал Директори Жамият томонидан берилган ишончнома асосида фаолият юритади. Ишончномада филиал директори ваколатларининг аниқ доираси ва ишончноманинг амал қилиш муддати кўрсатилади.

36. Филиалларнинг директор ўринбосарлари, бош ҳисобчилар ва иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бўлими бошлиқлари Жамиятнинг Бош директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

37. Филиалларнинг ходимлар штат жадвали, харажатлар сметаси филиал директори томонидан Жамият Бош директори билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

38. Филиаллар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерлик, оператив ҳисобни юритадилар ҳамда Жамиятнинг ҳисоб сиёсати билан белгиланган тартиб бўйича Жамиятга ҳисоботни тақдим этадилар.

39. Филиалнинг бухгалтерлик ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ юритилади. Ҳисоб сиёсати ва филиал томонидан Жамиятга бухгалтерлик ҳисоботини тақдим этиш тартиби Жамият томонидан белгиланади.

40. Жамият филиаллари чорак, ярим йиллик, 9 ойлик ва йиллик натижалар тасдиқланган бизнес-режа, харажатлар сметаси доирасида ўз ходимларини муқофотлаш ҳуқуқига эгадир. Муқофот фонди миқдори Жамият Бош директори билан келишувга кўра филиал директорлари томонидан тасдиқланади.

5. ЖАМИЯТ МОЛ-МУЛКИ

41. Жамият ўзига қаршли бўлган мол-мулкка эгалик қилишни, ундан фойдаланишни, уни бошқаришни ҳамда тасарруф этишни мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи асосида амалга оширади.

42. Жамиятнинг балансида қиймати акс этадиган асосий фондлар, айланма маблағлар ва бошқа бойликлар Жамиятнинг мол-мулкини ташкил этади.

43. Қуйидагилар Жамият мол-мулкини ташкил этувчи манбалардир:

акциядорларнинг пул ва моддий бадаллари;

Жамият томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан, ишлар ва хизматларни кўрсатишдан, шунингдек хўжалик фаолияти ва баъзи бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар;

банк ва бошқа қарз берувчиларнинг кредитлари;

текин ва хайрия бадаллари, юридик ва жисмоний шахсларнинг инъомлари;

мерос тариқасида, айирбошлаш ва совға қилиш йўли билан олинадиган даромадлар;

қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа манбалар.

44. Жамият ўз мулкига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган ва Жамиятнинг Уставининг мақсади ва вазифаларига жавоб берадиган ҳаракатларни бажариш ҳуқуқи эгадир.

45. Жамият ўз фаолиятини кенгайтириш, такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида қимматли қоғозлар чиқариш ҳамда сотиш йўли билан юридик ва жисмоний шахсларнинг қўшимча пул маблағлари ва мол-мулкларини жалб этиш ҳуқуқи эгадир.

46. Мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, Жамият устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувлар (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда Жамият кузатув кенгаши билан келишилгандан кейин тузилади.

47. Жамият томонидан асосий фаолиятига хос бўлмаган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш, рақобат ривожланган соҳада асосий фаолиятдан ташқари қўшимча фаолият билан шугулланиш, асосий фаолиятига хос бўлмаган хўжалик жамиятлари устав капиталида иштирок этиш ёки ундаги улушни сотиб олишга йўл қўйилмайди.

48. Жамиятнинг асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятдан ташқари қўшимча фаолият билан шугулланиш Жамият кузатув кенгаши қарорига асосан амалга оширилади.

6. ЖАМИЯТНИНГ ФОЙДАСИНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ

49. Умумий фойдадан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг захира фондини тўлдириш учун йўналтирилган сумма чиқариб ташланиб қолган маблағ Жамиятнинг тўла-тўқис тасарруфига ўтади. Соф фойдани тақсимлаш ёки ривожлантиришга йўналтириш масалалари Жамиятнинг Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

50. Соф фойданинг бир қисми акциядорлар ўртасида улар акцияларининг мутаносиб миқдорида дивиденд сифатида тақсимланиши ёки уларнинг қарорига кўра бошқа мақсадларга йўналтирилиши мумкин.

51. Жамият фаолияти натижасида юзага келган зарарлар ўтган йиллар фойдаси ва бошқа маблағлардан, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса Заҳира фонди ҳисобидан қопланади.

7. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

52. Жамиятнинг Устав фонди **38 056 085 940** (ўттиз саккиз миллиард эллик олти миллион саксон беш минг тўққиз юз қирқ) сўмни ташкил этади.

53. Устав фонди **19 976 948** дона акцияларга бўлинади ва ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1 905 (бир минг тўққиз юз беш) сўм, улардан:

19 750 170 дона – оддий эгаси ёзилган акциялар;

226 778 дона – имтиёзли эгаси ёзилган акциялар.

54. Акциялар номи ёзилган эмиссион қимматли қоғозлардир. Акциялар тури – оддий ва имтиёзли.

55. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вақили орқали фойдаланади.

56. Акцияларга ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан ашёвий ҳуқуқлар) воситасида амалга оширилади.

57. Устав фондининг миқдори қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставда назарда тутилган тартибда ўзгартирилиши мумкин.

58. Жамиятнинг Устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни чиқариш ва жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин. Бунда қўшимча акцияларни қўпайтириш очиқ ва/ёки ёпиқ обуна орқали амалга оширилиши мумкин.

59. Жамиятнинг эълон қилинган акциялари – Жамият Устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг сони номинал қиймати 1 905 (бир минг тўққиз юз беш) сўмлик 88 263 280 (саксон саккиз миллион икки юз олтимиш уч минг икки юз саксон) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

60. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

61. Солиққа оид ёки давлат олдигаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий қўпчилик овози билан қабул қилинади.

62. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан, мулкий ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш чоғида унинг акцияларига ҳақ тўлаш тартиби жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасида (ўзгартиш тўғрисидаги қарорда) ёки жамият уставида, қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш эса, уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

8. ЖАМИЯТНИНГ ИМТИЁЗЛИ АКЦИЯЛАРИ

63. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир.

64. Жамиятнинг имтиёзли акциялари уларнинг эгаларига Жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъий назар, акцияларнинг номинал қийматига нисбатан йиллик 5 % дан кам бўлмаган, бироқ 25% дан кўп бўлмаган миқдорда дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

65. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, агар ушбу Қонунда ва жамият уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

66. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади.

67. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини олади.

68. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб эга бўлади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

9. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИ

69. Жамиятда устав фондининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади.

70. Жамиятнинг захира фонди ушбу уставнинг 66-моддасида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

71. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

72. Жамият уставида бошқа фондларни ташкил этиш назарда тутилиши мумкин.

10. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ

73. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

74. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

75. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

76. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

77. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

78. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

79. Жамият:

- Жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

80. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

11. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

81. Акциядорлар:

- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга;
- Жамиятнинг алоҳида ички ҳужжатида акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар учун овоз беришда уларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиш имконини назарда тутати;
- Жамият овоз берувчи акцияларининг 5 ва ундан ортиқ фоизига эга акциядорлар аудиторлик текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга.

82. Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

83. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

84. Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни – мазкур акциялар эгасини ушбу Қонунда белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

85. Акциядорлар қуйидагиларга мажбур:
 акцияларни қонунчилик ва мазкур Устав билан кўзда тутилган тартиб, ҳажм ва усуллар билан тўлаш;

Жамият Устави талабларига риоя қилиш;
 Мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан ўрнатилган тартибда Жамият бошқарувида иштирок этиш ;

Жамиятга нисбатан ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажариш;
 Жамиятга унинг фаолиятини амалга оширишда ёрдам бериш;
 Жамият ўз фаолиятини амалга оширишда кўмаклашиш;
 Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотларни ошкор этмаслик.

86. Миноритар акциядор ҳужжатларни асосиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан АЖ бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслигини назарда тутати;

87. Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини таъминлаш харажатини қоплайди (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда).

12. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ

88. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи (Бош директор) Жамиятнинг бошқарув органларидир.

13. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

89. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

90. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

90.1. Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

90.2. Жамиятни қайта ташкил этиш;

90.3. Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

90.4. Жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

90.5. эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

90.6. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

90.7. ўз акцияларини олиш;

90.8. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш,

90.9. ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

90.10. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

90.11. Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

90.12. Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

90.13. Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

90.14. мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

90.15. акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

90.16. акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

90.17. Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, энг юқори миқдорларини белгилаш;

90.18. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

90.19. акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги, Жамиятнинг кузатув кенгаши, ижроия органи ҳақидаги (тегишинча директори, бошқаруви, ишончли бошқарувчи тўғрисидаги) ва тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тўғрисидаги уларнинг фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек жамиятнинг мазкур органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгиловчи низомларни тасдиқлаш;

90.20. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади;

90.21. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида, Кузатув кенгаши тўғрисида, Жамият ижроия органи тўғрисида, тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисида, Манфаатлар тўқнашувида ҳаракат тартиби тўғрисидаги, ички назорат тўғрисидаги Дивиденд сиёсати тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди ва тегишли ўзгартиришларни киритади;

90.22. Жамиятнинг кундалик ҳўжалик фаолиятини юритиш мақсадида тузиладиган битимларни белгилаш;

90.23. Ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш. Бунда ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлар ўтган йилда олинган соф фойданинг 3 фоизидан ошмаслиги керак ҳамда бу харажатлар бизнес-режанинг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади;

90.24. Электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

90.25. Санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки кимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

90.26. Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик кўмитасини сақлаш харажатини коплаш (миноритар акциядорлик кўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

90.27. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни ўрнатиш, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

90.28. Акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш имконияти ва шароитини яратиш;

90.29. қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

91. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

92. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, куйидаги масалалар бундан мустасно:

Жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш).

93. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай, одатда июн ойининг 01 санасидан 30 санасигача бўлган даврда ўтказилади.

94. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига қўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

95. Акциядорларнинг Умумий мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби конунчилик, мазкур Устав ва акциядорларнинг умумий мажлиси томонидан тасдиқланадиган низомлар билан белгиланади.

96. Жамиятнинг овоз берувчи акцияларнинг камида бир фоизига ўзи ёки биргаликда эгаллик қилувчи акционер (акционерлар), умумий йиғилишнинг кун тартибига бошқарув ва назорат оргаларига номзодларни тавсия қилиш ва олинган фойдани тақсимлаш бўйича йиғилишдан олдин тақлифлар киритиш ҳуқуқига эга.

97. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

98. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

99. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда жамиятнинг кузатув кенгаши, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса, умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;
- умумий йиғилишнинг кун тартибини;
- умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;
- умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

100. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар бериш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган электрон почталари орқали юборилади.

101. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

102. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш кун олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга

бўлади. Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

103. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

104. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

105. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чакирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

106. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенлар орқали амалга оширилади. Умумий йиғилишда иштирок этаётган шахслар ўзларининг ҳисобидан ўзлари томонидан тўлдирилган бюллетендан нусха олиш ҳуқуқига эга.

107. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

108. Ушбу Уставнинг 90.1, 90.2, 90.3, 90.5, 90.13, 90.18 ва 90.20 - кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

109. Акциядорларнинг умумий мажлисини юритиш тартиби бўйича акциядорларнинг умумий мажлиси қарори мажлисда иштирок этаётган акциядорлар – овоз бераётган акциядорларнинг кўпчилик овози (оддий кўпчилиги) билан қабул қилинади.

110. Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

111. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда ҳамда ушбу Уставада назарда тутилган тартибда, бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

14. КУЗАТУВ КЕНГАШИ

112. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ушбу қонун ва Жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

113. Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга 9 (тўққиз) аъзодан иборат таркибда сайланади. Шундан Кузатув кенгаши таркибига 1 (бир) нафар мустақил аъзо сайланади.

114. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин. Жамият Бош директори Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. Айти шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

115. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган кузатув кенгаши аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак.

116. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак. Бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар жамиятнинг кузатув кенгаши ва/ёки акциядор/акциядорлар томонидан, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади.

117. Қуйидагилар кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

- сўнгги уч йил ичида жамиятда ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахсларида ишлаган шахс;
- жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгаллик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилиланган шахслар орқали) акциядор;
- жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;
- сўнгги уч йил ичида жамиятга ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;
- кетма-кет олти йил давомида жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;
- жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;
- жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахсининг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахсининг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, кизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;
- давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;
- жамиятнинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

118. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестрини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.

119. Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзосининг ушбу Уставда белгиланган талабларга мувофиқлиги ўзгарган тақдирда, у жамиятни ва кузатув кенгашини бу ҳақда

икки иш куни ичида хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда ушбу Уставнинг 116 бандида белгиланган тартибда бошқа номзод мустақил аъзо сифатида таклиф этилади.

120. Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда ушбу Қонунда белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

121. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

121.1. Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

121.2. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

121.3. акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

121.4. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

121.5. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

121.6. жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

121.7. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

121.8. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

121.9. Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

121.10. қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

121.11. Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

121.12. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

121.13. Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

121.14. корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш, агар Жамият Уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса;

121.15. ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

121.16. Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

121.17. аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

121.18. ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

121.19. Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

121.20. дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

121.21. Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

121.22. Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

121.23. Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

121.24. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

121.25. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мажлисда иштирок этган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади;

121.26. Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

121.27. Бош директор, ишончли бошқарувчи ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шу жумладан Бош директор, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатиш (бекор қилиш);

121.28. қонун ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган миқдор доирасида хомийлик(хайрия) ёки беғараз ердамларни олиш(бериш) тартибларини белгилаш ва Жамиятнинг корпаратив веб-сайтида жойлаштириш. Жамият томонидан хомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг 3 фоизидан ошмаслиги керак ҳамда бу харажатлар тасдиқланган бизнес-режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага таалукли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади;

121.29. Жамиятнинг йўналишлар бўйича директорлари Кузатув кенгаши томонидан конкурс асосида тайинланади. Жамиятнинг йўналишлар бўйича директорларини тайинлаш тўғрисидаги қарор, хорижий менеджерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади. Жамиятнинг Почта хавфсизлиги бўйича директори Кузатув кенгаши томонидан тегишли ваколатли органлар билан келишилган ҳолда тайинланади;

121.30. кузатув кенгаши қошида тегишлилиги бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлар) ташкил этиш;

122. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

123. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига ёки жамият уставига кўра қуйидагилар жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилиши мумкин:

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш);

124. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

125. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчисининг), ижроия органи аъзосининг, шунингдек жамият уставига белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чакирилади.

126. Жамиятнинг овоз берувчи акцияларнинг камида бир фоизига ўзи ёки биргаликда эгалик қилувчи акционер (акционерлар), Кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

127. Кузатув кенгашининг йиғилишини чақириш ва ўтказиш учун унинг Раиси йиғилишнинг мақбул санаси ва кун тартибини ўз аъзолари билан келишади.

128. Раис Кузатув кенгашининг йиғилиши ўтказиладиган санадан 5 кун олдин ёзма ёки оғзаки шаклда йиғилиш ўтказиладиган сана тўғрисида хабардор қилади.

129. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

130. Кузатув кенгашининг 25 фоизидан ортиқ аъзолари белгиланган кунда йиғилишда ўзларининг қатнаша олмасликлари тўғрисида Раисга хабар берган тақдирда йиғилиш бошқа кунга қолдирилади.

131. Жамият Кузатув кенгаши аъзосининг (аъзоларининг) ваколоти ўзининг (ўзларининг) аризасига кўра акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тугатилиши мумкин. Бунда жамият кузатув кенгаши ариза келиб тушгандан кейин акциядорлар умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинади. Акциядорлар умумий йиғилишигача ўтказиладиган кузатув кенгаши мажлисларида ўз ваколатларини тугатилишини сўраб ариза ёзган кузатув кенгаши аъзоси иштирок этмайди. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият Уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

132. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

133. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

134. Ушбу Уставнинг 121.6, 121.9 ва 121.24 - кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

135. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлинган ҳолларда Кузатув кенгашининг қарорини қабул қилишда Жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

136. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

137. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

138. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

139. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

15. ИЖРОИЯ ОРГАНИ

140. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати Жамиятнинг Уставида белгиланадиган Бош директор томонидан амалга оширилади.

141. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши томонидан конкурс асосида 3 йил муддатга тайинланади(сайланади). Бош директорни тайинлаш тўғрисидаги қарор, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

142. Акциядорлар вакили сифатида тайинланган Бош директор, Бош директор номзодлиги бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

143. Жамият Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида, Жамият Уставида ҳамда Бош директорининг Жамият билан тузадиган шартномада белгиланади. Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома Жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

144. Жамият ижроия органининг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

145. Жамиятнинг Бош директор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ишончномасиз Жамият номидан иш кўриш, унинг манфаатларини тақдим қилиш;
- Жамиятнинг мол – мулки ва пул маблағларини Устав ёки Жамиятнинг бошқа ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган чегарада бошқариш;
- Жамият номидан битимларни тузиш;
- Жамият томонидан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари қийматининг ўн беш фоизидан кам қийматга эга бўлган мол-мулкни (шу жумладан қарз, кредит, кафиллик ва кафил бўлиш) жамиятнинг олиши ёки тасарруфидан чиқариши билан боғлиқ ёхуд жамият бевосита ёки билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ битимларни Кузатув кенгашининг розилигини олмасдан тузиш;
- меҳнат шартномаларини тузиш;
- ишончномалар бериш;
- банкларда ҳисоб, валюта ва бошқа рақамларни очиш;
- кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда йўналишлар бўйича директорларни лавозимларидан озод қилиш;
- кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда Жамият филиаллари раҳбарларини тайинлаш ва уларни эгаллаб турган лавозимларидан озод қилиш;
- филиал директорлари ўринбосарлари, бош бухгалтерларини тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш;

- Жамиятнинг ҳудудий ва ихтисослашган филиалларининг сарф-харажатлари сметаларини тасдиқлаш ;

- буйруқлар чиқариш ва Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган кўрсатмаларни бериш;

- ходимлар штатини тасдиқлаш, унинг тўлдирилишини амалга ошириш.

146. Жамият Бош директори мажбуриятларига қуйидагилар қиради:

- Умумий йиғилиш ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил қилиш;

- Жамиятнинг филиаллари, объектлари ва бошқа таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

- Жамиятнинг шартномавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;

- ишлаб чиқаришни, ижтимоий соҳасини ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорда фойда олинишини ва Жамиятнинг тасдиқланган фондларини тўлдирилишини таъминлаш;

- Жамиятни ривожлантириш дастурларини ва бизнес режаларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш, назорат қилиш;

- Жамият фаолиятида қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилишини таъминлаш;

- Жамиятда бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини юритилишини ташкил этиш ва тегишли органларга шунингдек акциядорларга кредиторларга ва бошқа маълумот олувчиларга Жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамиятнинг ҳудудий ва ихтисослаштирилган филиалларининг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш;

- Кузатув кенгашига ҳар чоракда йиллик бизнес-режани бажарилиши бориши тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим қилиш;

- Кузатув кенгаши, Жамиятнинг тафтиш комиссияси ёки аудиторлик ташкилотининг талаблари бўйича Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни ҳеч қандай тўсиқларсиз тақдим этиш;

- тегишли органларга давлат статистика ҳисоботининг тўлиқлигини ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамиятнинг тижорат сирлари саналувчи маълумотлар махфийлигини сақлаш, агар бундай маълумотларни учинчи шахсларга бериш унинг мажбурияти доирасига кирмаса;

- Жамиятнинг ходимлари томонидан хизмат ёки тижорат сирларини ташкил этувчи маълумотнинг сақланишини таъминлаш;

- Жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;

- Жамият ходимларининг билимларидан, малакалари, тажриба ва маҳоратларидан унумли фойдаланиш бўйича Жамиятни малакали ходимлар билан таъминлаш чораларини кўриш;

- меҳнат интизомини сақлаш;

- ходимларнинг ижтимоий кафолатларига ва меҳнати муҳофазасига амал қилинишини таъминлаш;

- Жамиятнинг моддий кўмакка муҳтож бўлган ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга фоизсиз тезкор заёмларини ажратиш (тўйлар ва бошқа оилавий тадбирларни ўтказиш, уй қуриш, қурилиш материалларни сотиб олиш ва бошқалар учун);

- жамоа музокараларда маъмурият вакилларининг иштирокини таъминлаш;

жамоа шартномаси ва келишувларни тузишда иш берувчи сифатида иштирок этиш, жамоа шартномаси бўйича шартларни бажаришни таъминлаш;

Умумий йиғилиш ва Кузатув кенгашига, унинг ваколати доирасига кирувчи ишларнинг ҳолати тўғрисидаги маърузаларни белгиланган муддатда тақдим этиш;

акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган маълумотларини олиш, Умумий йиғилишида иштирок этиш, дивидендларини ўтказиш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига амал қилиш;

малакали юридик ёрдамни олиш ҳамда Жамиятнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида шартнома асосида адвокатлик фирмаларини жалб қилиш;

филиалларнинг фаолиятни назорат қилиш, бунинг учун Жамият ходимларига филиалларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан кўрсатмалар бериш ёки ушбу мақсадда аудиторлик ташкилотларни жалб қилишга ҳақлидир;

амалдаги қонун ҳужжатларига ички ҳужжатларининг ва бошқа норматив актларининг зид келмаслигини таъминлаш;

Филиал бошқарув ходимларини интизомий жавобгарликка тортилиши тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

147. Агар жамиятнинг ижроия органи томонидан йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда жамият директорининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, жамиятнинг кредиторлар олдидagi қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

148. Бош директорнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари амалдаги қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, шунингдек «Бош директори тўғрисида»ги Низом асосида тузилган шартномада белгиланади.

16. ХОДИМЛАР ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

149. Жамият қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда, ўз фаолиятининг мақсадларига эришиш учун унинг хизматчиларини ташкил этадиган ходимларини ишга ёллашни амалга оширади.

150. Доимий ва вақтинчалик ишлайдиган ходимларнинг сони амалдаги қонун ҳужжатларига, жорий ва келгусидаги Жамият фаолияти режаларига мувофиқ Бош директор томонидан белгиланади.

151. Жамият ходимларни ишга ёллаш ва ишдан озод этиш тартибини, иш куни тартибини меҳнат қонун ҳужжатларида назарда тутилган дам олиш кунлари ва таътилларни тақдим этиш тартибини белгилайди, уларни ўзайтириш кафолатига риоя қилган ҳолда уларнинг давомийлигини мустақил белгилайди.

152. Жамият ходимларининг иш ҳақлари максимал миқдор билан чекланмайди ва солиқлар билан бошқарилади. Ходимларнинг ойлик ёки чорак натижалари бўйича мукофотлаш, уларга йилда бир марталик тўловлар бериш, Жамиятнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, шу тўғрисидаги низом доирасида Бош директор томонидан белгиланади.

17. ҲИСОБГА ОЛИШ, ҲИСОБОТ ВА НАЗОРАТ

153. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз фаолияти натижаларини оператив ва бухгалтерлик ҳисобини олиб боради, статистик ҳисоботни юритади.

154. Жамият белгиланган муддатда ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни давлат солиқ, статистика ва бошқа органларга тақдим этади.

155. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

156. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

157. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

158. Жамиятнинг ички аудит хизматига ички назоратни, шу жумладан, эллик фоиздан зиёд улуши АЖга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга ошириш ваколатини беради.

159. Жамият кузатув кенгаши ва корпоратив қонунчилигига риоя этилиш устидан назорат қилиш вазифаларини амалга оширувчи корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий қилинади, мазкур лавозим ходими кузатув кенгашига бўйсунди.

160. Жамият ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувдан ўтказилиши лозим.

18. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

161. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

162. Янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бундан қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш мустасно.

163. Жамият бошқа юридик шахсга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилганда рўйхатдан ўтказувчи орган қўшиб юборилган юридик шахснинг (жамиятнинг) фаолияти тугатилганлиги ҳақидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қиритган пайтдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

164. Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамият ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади. Кредитор жамиятдан мажбуриятларни тугатишни ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарларнинг ўрнини қоплашни қуйидаги муддатларда ёзма равишда хабардор этиш орқали талаб қилишга ҳақли:

қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай;

бўлиш ёки ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан олтмиш кундан кечиктирмай.

165. Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар

қайта ташкил этилган жамиятнинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари юзасидан солидар жавобгар бўлади.

166. Жамиятни қайта ташкил этишда ходимларга Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиниши қафолатланади.

19. ЖАМИЯТНИНГ ТУГАТИЛИШИ

167. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

168. Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши жамиятни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади. Ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

169. Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

170. Тугатиш комиссиясини тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатиш комиссияси тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади. Давлат тугатилаётган жамиятнинг акциядори бўлган тақдирда, тугатиш комиссияси тайинланади ва унинг таркибига давлат мулкани тасарруф этишга ваколатли органнинг вакили киритилади.

171. Тугатиш комиссияси Жамиятнинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон беради.

172. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш учун муддат жамиятнинг тугатилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

173. Агар тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтга келиб жамият кредиторлар олдида мажбуриятларга эга бўлмаса, унинг мол-мулки акциядорлар ўртасида Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, тартибда тақсимланади.

174. Тугатиш комиссияси кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни Жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

175. Кредиторларнинг талаблар қўйиши учун белгиланган муддат тугаганидан кейин тугатиш комиссияси оралик тугатиш балансини тузади, мазкур балансда тугатилаётган Жамият мол-мулкнинг таркиби, кредиторлар томонидан тақдим этилган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади. Оралик тугатиш баланси тугатилаётган Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

176. Агар тугатилаётган Жамиятдаги мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси Жамиятнинг мол-мулкни суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда кимошди савдосида сотишни амалга оширади.

177. Тугатилаётган Жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатиш комиссияси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибда оралик тугатиш балансига мувофиқ, ушбу баланс тасдиқланган кундан бошлаб амалга оширилади.

178. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаганидан кейин тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади, тугатиш баланси тугатилаётган Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

179. Тугатилаётган жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулки тугатиш комиссияси томонидан акциядорлар ўртасида Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, тартибда тақсимланади.

180. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан жамиятни тугатиш тамомланган, жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади. Рўйхатдан ўтказувчи орган жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни фақат жамиятнинг қимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.

20. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

181. Акциядорлар ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа субъектлари ўртасида келиб чиқадиган низолар суд тартибида ҳал этилади.

182. Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

183. Жамият акциядорнинг ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига кўра уч иш куни ичида уларга жамиятнинг устави, шу жумладан уставга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт. Жамият акциядорнинг талабига кўра унга жамият уставининг кўчирма нусхасини бериши шарт.

Жамият Бош директори в.б.



А.Н.Файзуллаев

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi



GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

"O`ZBEKISTON POCHTASI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"O`ZBEKISTON POCHTASI" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

200 833 833

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

25.08.2003

Sana

10-001310

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

TOSHKENT SHAHRI, YUNUSOBOD TUMANI, OLOY KO'CHASI

Tomonidan berilgan:

YUNUSOBOD TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

1109360



Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR):
200 833 833

Nomi
O'ZBEKISTON POCHTASI

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Oloy ko'chasi

O'zgartirishdan keyin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR):
200 833 833

Nomi
O'ZBEKISTON POCHTASI

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Oloy ko'chasi



14.07.2023 2215195
Quyidagidek olingan sana Ariza raqami

1109359



Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

Oldingi ta'asischilar

Yuridik shaxs

DAVLAT ULUSHI

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR):
20 1122919

Miqdori: 11 992 966 555
so'm

Ulushi:
31.51%

Yuridik shaxs

ERKIN SOTUV ULUSHI (Jismoniy va yuridik shaxslar)

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR):
20 1122919

Miqdori: 26 063 099 385
so'm

Ulushi:
68.49%

Ustav fondi

38 056 085 940 so'm



14.07.2023 2215195
Quyidagidek olingan sana Ariza raqami

1109359



Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgarishdan keyingi aksiyalar

Aksiya to'g'risida ma'lumot

Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 19750170

Aksiya bahosi: 1905 so'm

Aksiya to'g'risida ma'lumot

Imtiyozli

Aksiyalar soni: 225778

Aksiya bahosi: 1905 so'm

Ustav fondi

38 056 085 940 so'm



14.07.2023 2215195
Quyidagidek olingan sana Ariza raqami

1109359

